

**TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK
UNIVERSITETI**

**SHARQ FALSAFASI VA GERMENEVIKA
KAFEDRASI**



**"SHARQ ALLOMALARI YOZMA
MEROSINING ILMIY, FALSAFIY,
MA'NAVIY TAFAKKURDAGI O'RNINI"**

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
ANJUMANI MATERIALLARI**

TOSHKENT - 2025

Platon “Davlat” asarida adolatli jamiyatni ideal hukmdor boshqarishini istaydi. U “filosof-podshoh” tushunchasini ilgari suradi — hukmdor mutafakkir, dono va axloqiy mukammal bo‘lishi kerak deb uqtiradi, ya’ni hukmdor aql, adolat va axloq timsoli bo‘lishi kerakligini ta’kidlaydi. Ogahiyning fikricha:

“O‘zingni buyuk chekkali chog‘lag‘il,

Kamar belg‘a himmat bilan bog‘lag‘il.” [5, 376]

Bu jihatdan Ogahiy Platonning nazariy-falsafiy idealidan ko‘ra, real ijtimoiy muammolarni ham ochiq bayon qilishni afzal ko‘radi.

Muhammad Rizo Ogahiy o‘zining “Qasidai Nasihat” asarida XIX asr Xorazm jamiyatining ijtimoiy-siyosiy va axloqiy muhitini nozik poetik vositalar orqali yoritib bergan. Shoir bu asar orqali nafaqat bir shohga nasihat aytgan, balki butun jamiyatga, ayniqsa, zamonasining siyosiy elitasiga ijtimoiy-axloqiy mas’uliyat eslatmasini bergan. Bu jihatdan Ogahiy klassik gumanist va ijtimoiy tanqidiy tafakkur egasi sifatida baholash mumkin. Yuqoridagi tahlillar natijasida quyidagicha xulosalarga kelish mumkin:

Birinchidan, Hokimiyat Xudoning omonati sifatida talqin qilinadi. Ogahiyning fikricha, hukmdor faqat kuch emas, balki axloq va rahm-shafqat asosida boshqaruv olib borishi lozim. Bu fikr Al-Farobiy va Platon kabi mutafakkirlarning “fazilatli rahbar” haqidagi nazariyalariga yaqin.

Ikkinchidan, zulm va adolatsizlik qattiq tanqid ostiga olinadi. Shoir “falak” va “zolim shoh” obrazlari orqali jamiyatdagi axloqiy va siyosiy inqirozni fosh qiladi. Bu jihatdan Ogahiyning tafakkuri Jean-Jacques Rousseau’ning xalq hukmronligi haqidagi g‘oyalari bilan hamohang.

Uchinchidan, sabr va qanoat – xalqning ichki kuch manbai sifatida talqin qilinadi. Bu jihat Yassaviy tasavvufida mavjud bo‘lgan sabr va fano falsafasining ijtimoiy mazmunda talqin qilingan shaklidir. Zamonaviy psixologiyada bu “resilience” deb nomlanadi.

To‘rtinchidan, dunyoviy saltanatning faniligi, ma’naviyat ustuvorligi haqida qat’iy pozitsiya mavjud. Shoirning fikricha, haqiqiy qadriyat – bu ilm, adolat va xalq uchun xizmat qilishdir. Bu – bugungi ma’naviy qadriyatlar va etika masalalarining dolzarbligi bilan uyg‘un.

Beshinchidan, Ogahiy tafakkuri – madaniy ko‘prik vazifasini o‘taydi. U Sharq (Navoiy, Yassaviy, Farobiy) va G‘arb (Platon, Rousseau) tafakkuri o‘rtasida g‘oyaviy dialog yarata olgan. Uning asari xalqni tinchlik, barqarorlik, axloqiy tozalik sari yetaklaydigan ijtimoiy-siyosiy manifestga aylangan. Umuman olganda Ogahiy “Qasidai Nasihat” orqali taklif qilgan ijtimoiy-falsafiy qadriyatlari bugungi ijtimoiy-siyosiy muhitda ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan. Xususan, Ogahiyning “Qasidai Nasihat” asarida dolzarb bo‘lgan adolatli boshqaruv, axloqiy mas’uliyat, rahbar va xalq o‘rtasidagi ishonch, ruhiy chidamlilik, ma’naviyatga tayangan ijtimoiy barqarorlik kabi go‘yalar orqali: Avtoritar tizimlar ostidagi xalqning ahvoli, davlatning xalq oldidagi javobgarligi, ruhiy bardoshlilik va axloqiy liderlik zarurati tahlil qilinsa, zamonaviy jamiyat uchun muhim saboqlar olinadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Abu Nasr Farobiy. Fozil odamlar shahri. – T.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti, 2004.
2. Alimova Z. Ijtimoiy adolat tamoyillari va uning islom dinida namoyon bo‘lish xususiyatlari (falsafiy tahlil): diss... fal. fan. nomz. – Toshkent, 2006. – B. 26.
3. Aliqulov H. Adolat buyuk donishmandlar talqinida. – T.: Falsafa va huquq
4. Alisher Navoiy. Hayrat ul-abror. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti, 1989.
5. Muhammad Rizo Mirob Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy Asarlar. II jild. // Nashrga tayyorlovchi: G‘ulom Karim, Mas‘ul muharrir: Subutoy Dolimov. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san‘at nashriyoti, 1972.
6. Shavkatov Sh. Sh. Komil insonni shakllantirishda Ogahiy ijodining ta’siri Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2022. – № 9.
7. Shavkatov Sh. Sh. Muhammad Rizo Ogahiy ijodidagi antropologik qarashlar. – Falsafa va huquq, 2023. – № 2.
8. Shavkatov Sh. Sh. Muhammad Rizo Ogahiyning “Ta’viz ul-oshiqin” asarida falsafiy g‘oyalar: insonning tabiati, axloqi va jamiyatdagi o‘rni. – International scientific journal of Biruni, 2023. – № 1/2.
9. Жанн Жак Руссо Трактаты – М.: НАУКА, 1969. – 710 с.

УМАР АЛ-ЧАҒМИНИЙ ВА АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ ФАЛСАФИЙ-КОСМОЛОГИК ҚАРАШЛАРИДАГИ БОҒЛИҚЛИК

Холбоева Райхона Абдулазисовна

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Таянч докторанти

Аннотация: Мазкур мақолада Яқин ва Ўрта Шарқ худудида ўрта асрлар араб мусулмон табиий-фалсафий билимлари ривожига ўзининг юксак ҳиссасини қўшган Мовароуннаҳрлик олимлар Аҳмад Фарғоний ва Умар ал-Чағминийларнинг илмий меросидаги фалсафий-космологик боғлиқлик ёритилган.

Калит сўзлар: Алфраганус, табиат фалсафаси, астрономия, космология, апогея, фазовий кенглик, илми хайъа, рационализм

Ўрта асрларда араб-мусулмон илм фани ва маданияти ўз ривожининг юқори чўққисига кўтарилди. Буни IX асрда Бағдод Аббосийлар даврида фаолият юритган “Донишмандлар уйи”нинг илмий фаолияти мисолида кўришимиз мумкин. Марказда қадимги юнон, рим, сурёний, ҳинд тилларида ёзилган кўплаб қадимий манбалар араб ва форс тилларига таржима қилиниб, уларга шарҳлар ёзилди. Ушбу илмий академияда Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўплаб алломалари қатори Мовароуннаҳрлик алломалар ҳам фаолият юритганлар. Улардан бири Муҳаммад Касир Аҳмад ал-Фарғоний (798-865) бўлиб, аллома фалакиёт, риёзиёт ва жуғрофия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшиб, Европада Альфраганус номи

билан машхур бўлган [1,48]. Унинг илмий мероси нафақат Яқин ва Ўрта Шарқ, балки Европа мамлакатлари илм фани ривожига улкан таъсир кўрсатган. Фарғоний маънавий мероси кейинчалик кўплаб алломалар етишиб чиқишига сабаб бўлди. Аллома илми нужум, риёзиёт, хандаса илмлари билан шуғулланиб, ўзидан бу илмларга оид қатор рисолалар ёзиб қолдирган. Фарғоний фан тарихида кўплаб соҳаларда, хусусан муҳандис сифатида ҳам машхур. Бу ҳақида Ибн Абу Усайбиъа Фарғонийнинг Равда оролига (Миср) ўрнатилган нилометрни ислоҳ қилишдаги хизматлари ҳақида маълумотлар берган. [2:203, 204]

Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросини шартли равишда икки турга бўлсак бўлади. Улардан биринчиси фалакиёт илмига оид ўз рисолалари ва қадимги юнон олимларидан Птоломей (Баталамус) ва Евклид(Уклизис)нинг асарларини таҳлил этиб, уларга ёзган шарҳ рисолалари ҳисобланади. Астрономия соҳасида Птоломей асарлари мусулмон дунёсида маълум ва машхур бўлиб, у ва бошқа кўплаб қадимги юнон олимлари асарларини тушунарли тилда баён этиш ўша даврдаёқ ўрта аср ислом астрономлари учун устувор вазифага айланган эди.

Птоломейнинг сферик астрономия ва сайёралар назарияси ҳақидаги қарашлари ал-Фарғоний томонидан 833-857 йилларда ёзилган юлдузлар илмига оид ўттиз бобдан иборат “Жаъвоме илм ал-нужум” асарида баён этилди[3,541]. Фарғоний юқоридаги рисоласида Птоломейнинг сайёралар ҳаракати тўғрисидаги фикрларини ривожлантирди.

Олим Птоломейнинг “Альмагест”- “Ал Мажист” рисоласининг Маъмун давридаги янгиланган астрономик назариялар, атамалар ва уларнинг содда таърифлари билан қайта ишлади. Ва қадимий Птоломейга оид фан назарияларини янгилари билан алмаштирди. Масалан, эклиптик ўзгаришларнинг йиллик таърифини, Ер диаметрини янги ўлчовини, Ердаги йиллик ўзгаришлар градусини ва бошқа кўплаб янгиликлар киритганлиги билан диққатга сазовордир. Асар шарҳи содда тилда баён этилиб, “Алмагест” даги ой номлари “хайъа” [4,2] одатига кўра исломий ой номлари билан алмаштирилганлигини кўришимиз мумкин.

Аҳмад Фарғонийнинг илмий мероси фан оламида муҳим аҳамият касб этади. Олимнинг қуйидаги асарлари ҳозирги кунда дунё кўлёзма фондларида сақланиб келмоқда: “Фалакиёт илми асослари ва самовий ҳаракатларининг усуллари”, “Хандаса ва ҳисоб ёрдамида шимолий ва жанубий астурубни яшаш учун комил китоб”, “Етти иқлимнинг ҳисоби”, “Аструрубни қўллаш ҳақида китоб”, “Ал-Фарғоний жадваллари”, “Жадий диаметри учун ал-Фарғоний жадваллари”, “Ой Ер устида ёки остида жойлашган вақтни аниқлаш ҳақида рисола”, “Қуёш соатини яшаш ҳақида китоб”, “Ал-Хоразмий зижини тушунтириш” [5,131].

Бу асарлар орасида “Фалакиёт илми асослари ва самовий ҳаракатларининг усуллари” алломанинг энг машхур асарларидан бири бўлиб, Уйғониш даври Европа космологияси ривожига улкан ҳисса қўшди. Ушбу рисола илк маротаба Европада XII асрда латин тилига, XIII асрда Ёқуб Анатолий томонидан яҳудий тилига ва XVI асрда яна бир бор латин тилига таржима қилинди. XV асрда Европалик машхур ўрта асрлар олими Регемонтана Падуа университетида Фарғонийнинг юқоридаги рисоласидан фойдаланиб маърузалар ўқиган [6,259].

Алломанинг илми нужум борасидаги назарияларини давом эттирган издошларидан бири Мовароуннахрлик, XII-XIII асрларда Урганч шаҳрида яшаб этган хоразмлик фалакиётшунос, риёзиётчи ва тиббиёт илмининг йирик намоён-даси Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминийдир. Чағминий Аҳмад Фарғоний ва Абу Райҳон Берунийларнинг табиатшуносликка оид илмий анъаналарини давом эттирган йирик табиийун файласуфлардан бири ҳисобланиб, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан мураккаб шароитда яъни, Хоразмни мўғуллар истило қилиш арафасида Хоразмшоҳ Ануштегинийлар салтанатида яшаб, ижод этди.

Умар ал-Чағминий ҳаёти ва ижоди ҳақида жуда кам маълумот сақланган. Айрим манбаларда Чағминий Хоразмнинг Чағмин деган жойида туғилгани ва 1221- йилда вафот этгани қайд этилади. Ҳамда Чағмин деган нисба унинг туғилган жойи номи билан юритилади, деб кўрсатилади.

Чағминий фалакиёт, риёзиёт, хандаса, жуғрофик иқлимшунослик ва тиббиётга оид билмлар билан шуғулланган. Айниқса астрономиянинг илми хайъа соҳасида муваффақиятли фаолият олиб бориб, бу соҳадаги кенг миқёсдаги изланишлари туфайли унга ал- мунажжим номи берилган.

Чағминийнинг бизгача етиб келган астрономияга оид энг машҳур асари “Ал мулаххас фи-л ҳайъа” (المخلص في الهيئة) асари бўлиб, унинг дунё кутубхоналарида кўплаб шарҳлари ва қўлёзмалари мавжуд. Асар шу даражада машҳурликка эришдики, хатто йигирманчи асргача унинг араб, форс ва яҳудий тиллардаги қўлёзма ва шарҳлари айрим мамлакатларда астрономия илмидан дарслик сифатида ҳам ўқитилган. Бунга сабаб асар содда ва тушунарли тилда баён этилганлигидир.

“Ал мулаххас фи-л ҳайъа” асарида осмон жисмларининг тузилиши, ҳаракати, бир-бири билан ўзаро жойлашуви ҳақида маълумотлар берилиши билан биргаликда борлиқ ва унинг тузилиши, моддий оламнинг қисмлари тўғрисида қимматли, муҳим аҳамиятга эга маълумотларнинг фалсафий шарҳлари ҳам мавжуд. Алломанинг ушбу рисоласига кўплаб шарҳлар ёзилган бўлиб, уларнинг энг машҳури Улуғбек астрономик мактабининг йирик вакили Салоҳиддин Мусо ибн Маҳмуд Қозизода Румий (1360-1437) томонидан 1412 йилда ёзилган шарҳи ҳисобланиб, Румий бу шарҳни “Астрономиядан қисқача рисола” номи билан атади. Асарнинг айнан ушбу шарҳида Қозизода Румий Чағминий ўзидан аввал яшаб ижод этган қадимги юнон ва римлик астроном, математик Птоломей, Евклид, Минелай, Архимед, шарқлик араб-мусулмон алломалардан ал-Баттаний, ал-Фарғоний, Беруний, ал-Киндий, Собит ибн Қурра, Қуста ибн Лукқа, ибн ал-Хайсам ва ал-Харақийлар каби олимларнинг илмий меросини давом эттирганлигига алоҳида тўхталиб ўтади. [7,30]

“Ал мулаххас фи-л ҳайъа” асари юқоридаги таъкидлаб ўтганимиздек, алломанинг ўзидан аввал мавжуд бўлган астрономияга оид рисолаларидан содда ва қисқа усулда ёзилганлиги билан ажралиб турарди. Тарихий манбаларга кўра, ушбу рисола Улуғбек мадрасасида ўқитиладиган асосий дарсликлардан бири ҳисобланиб, рисола кейинчалик 1800 йилга қадар Мисрдаги ал-Азҳар мадрасасида мусулмон хайъа илмига оид асосий дарслик сифатида ўқитилган.

Чағминий Мовароуннахрлик машхур алломалардан Аҳмад ал-Фарғонийнинг издоши сифатида астрономия соҳасида қадимги юнон олими Клавдий Птоломей илмий мероси асосида ўрта асрлар ислом космологиясини ривожлантирган. “Ал мулаххас фи-л-хайъа” рисоласидаги дунё илмий манзараси-юқори ва қуйи оламнинг фалсафий-космологик таснифи Фарғонийнинг “Жавоми илм ал-нужум ва усул ал-ҳаракат ал-самавиййа” асаридаги самовий жисмлар ва уларнинг ҳаракатлари, сайёраларнинг ўзаро жойлашув масофалари, самовий кенгликларнинг ўлчамлари борасидаги ҳисоб китоблари ва рационал хулосалари фикрлари билан деярли бир хил негизга эгалиги бунинг яққол далилидир.

Чағминий эклиптика айланмасининг орбитага нисбатан кенглигини Птоломейдан фарқли равишда 23:51 кенгликда ҳаракатланишини ўз асарида таъкидлайди. Бу назариянинг ўрта асрлар ислом оламидаги асосчиларидан бири Аҳмад ал-Фарғоний эди [8:90].

Қуйидаги жадвалда Фарғонийнинг “Жавоми илм ал-нужум ва усул ал-ҳаракат ал-самавиййа” ва Чағминийнинг “Ал мулаххас фи-л-хайъа”даги осмон жисмлари ва уларнинг самовий кенгликдаги жойлашувидаги ўхшашлик назарияларни кўришимиз мумкин:

Сайёраларнинг дунё марказидан узоклик масофаси

Сайёра номлари	Умар ал Чағмини (“Ал мулаххас фи-л-хайъа”) [=M]	Аҳмад ал-Фарғоний (“Жавоми илм ал-нужум ва усул ал-ҳаракат ал-самавиййа”) [=J]
Сатурн	6;50 M: 1.5 [10]	$3 + \frac{1}{4} + \frac{1}{6}$ [x 2] J: ch. 16 (с. 64-5)
Юпитер	5;30 M: 1.5 [10]	$2 \frac{1}{2} + \frac{1}{4}$ [x2] J: ch. 16 (с. 64-5)
Марс	12;0 M: 1.5 [10]	6;0 [x 2] J: ch. 16 (с. 64-5)

Чағминийнинг Қуёш апогеяси борасидаги фикрлари ҳам Фарғонийнинг “Жавоми илм ал-нужум ва усул ал-ҳаракат ал-самавиййа” рисоласининг таъсирини кўришимиз мумкин. Масалан:

Ой ва қуёшнинг апогеясининг оралик масофаси

	Умар ал Чағминий (Мулаххас) [=M]	Аҳмад ал-Фарғоний (Жавоми) [=J]
Қуёш	2;29,30 ёки 29:30	$2 \frac{1}{2}$ J: б. 16

	М: I.5 [9]	(с. 64-5)
Ой	10;19 М: I.5 [9]	12 ½ [=10;19] J: б. 16 (с. 64-5)

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиёлик Бағдод “Донишмандалар уйи”нинг йирик олими Аҳмад Фарғонийнинг XII-XIII асрлардаги издоши Маҳмуд ибн Умар ал-Чағминий бўлиб, ҳар икки аллома табиатшунослик фанларини ривожига юксак ҳисса қўшиш билан биргаликда, Яқин ва Ўрта Шарқдаги мусулмон, ҳаттоки Европа Уйғониш даври табиатшунослик илмлари ва фан ривожига ҳам муҳим рол ўйнадилар. Уларнинг фалакиётшуносликка оид назариялари Европа уйғониш даври алломалари Регимонтан, Галилей, Коперникларнинг гелиоцентрик ғоялари шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Аҳмад ал-Фарғоний ўзининг астрономия соҳасидаги янги ғоялари билан IX аср Маъмун даври фан ривожига юксак ҳисса қўшган бўлса, Умар Чағминий XII аср Хоразмшоҳ Ануштегинийлар салтанати даврининг энг кўзга кўринган ёрқин намоёндаларидан бири ҳисобланардилар. Улардан бири мусулмон фан тараққиётининг бошланғич, бошқаси эса тараққиётнинг ўрта даврларида яшаб ижод этдилар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Аҳмедов А. Аҳмад ал-Фарғоний//Маънавият юлдузлари. Т. 1.-Т.:1999.-Б.400.
2. Абдуҳалимов Б. Байт ал-ҳикма ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти -Т.:2010.-Б.250.
3. Sabra A. I., “Al-Farghānī,” in Dictionary of Scientific Biography, ed. Charles Coulston Gillispie .York: Scribner’s Sons, 1972, vol. 4.
4. Pingree D. Encyclopaedia of Islam New Edition Online. (<https://referenceworks.brill.com/view/db/eieo>).-Brill.2012.250.
5. Swerdlow Noel. “Science and Humanism in the Renaissance: Regiomontanus’s Oration on the Dignity and Utility of the Mathematical Sciences,” in World Changes: Thomas Kuhn and the Nature of Science.-Cambridge: MIT Press. 1993; James Steven Byrne, “A Humanist History of Mathematics Regiomontanus’s Padua Oration in Context,” Journal of the History of Ideas.2006.-S.200.
6. Руми Казми-Заде. Комментарий на «Компендий Астрономии» Чағмини. Предисловие, перевод с арабского языка, П.Г.Булгакова. – Ташкент: Фан, 1993. — С.236.
7. Абдуллаев А. Исмаил Джурджани и Умар Чағмини знаменитые ученые-медики древнего Хорезма Т., “Медицина”, 1972.-С.93.
8. Sally P. Rager “Maḥmūd ibn Muḥammad ibn ‘Umar al-Jaghmīnī’s al-Mulakhkhaṣ fī al-hay’a al-basīṭa: An Edition, Translation and Study”.-Canada. McGill University, Montreal. 2014.-S.420.